

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

28-сон
(1100)
2023 йил
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

282. «Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 июлдаги ЎРҚ–854-сон Қонуни
283. ««Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 13 июлдаги ЎРҚ–855-сон Қонуни

Учинчи бўлим

284. «Вахта усулида ишлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 июлдаги 287-сон қарори

Бешинчи бўлим

285. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 26 июндаги 21-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259-3*)
286. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 26 июндаги 44-сон «Геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3445*)
287. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 5 июлдаги 24-сон «Тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга қўшимча ва ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 996-3*)
288. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 22 июндаги 8-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-12*)
289. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 20 июндаги 36-сон «Бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинадиган тижорат ташкилотларини танлаш, уларнинг хизмат ҳақини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3446*)
290. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 22 июндаги 9-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1747-2*)

291. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 23 июндаги 112-сон «Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган микроорганизмлар ва вируслар штамлари, ҳайвонот ва ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда захарларни сақлаш, ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2232-2*)
292. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 23 июндаги 113-сон «Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3230-1*)
293. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining 2023-yil 5-iyuldagi 23-son va Ichki ishlar vazirligining 2023-yil 26-iyundagi 36-son "Jinoyat sodir etishda gumon qilinib ushlab turilgan shaxslarni saqlashning sanitariya-gigiyena qoidalariga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 14-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1737-3*)
294. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 49-2023/Б-сон «Балиқчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2478-1*)
295. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 27 июндаги 45-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-3*)
296. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 36-2023/Б-сон «Эркак чўчкаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1970-1*)
297. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги 11-сон «Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон*

Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2075-1)

298. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 26 июндаги 16-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-4)*)
299. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 26 июндаги 17-сон «Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416-3)*)
300. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 4-iyuldagi 253-mh-son “Universal telekommunikatsiya xizmatlari va telekommunikatsiya xizmatlarining ayrim turlari uchun tariflarni (narxlarni) shakllantirish va tartibga solish to‘g‘risidagi nizomning 1-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 14-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3354-1)*)
301. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 23 июндаги 41-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3447)*)
302. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 13 июндаги 31-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-9)*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

282 Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
27 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 1 июнда
маъқулланган

Ҳозирги вақтда атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган органлар жумласига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи органлар, давлат санитария назорати органлари, давлат ўрмон хўжалиги органлари ва бошқа органлар киради.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган давлат органларининг ходимлари сони чекланганлиги, шунингдек ички ишлар органлари ходимларида, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларида (ходимларида) зарур ваколатлар мавжуд эмаслиги ҳуқуқбузарларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўрилишига тўсқинлик қилмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун ички ишлар органларига ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига зарур ваколатлар берилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг патруль-пост хизматига ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш каби жамоат тартибини сақлаш соҳасига оид маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш ваколати берилмоқда.

Ушбу Қонун экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 июлда эълон қилинган.

қонунчиликнинг ижро этилишини таъминлашга, жамоат тартибини таъминлашга, шунингдек ушбу соҳалардаги ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасига хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 248-модда:

биринчи қисмидаги «47³, 54, 56¹-моддаларида» деган сўзлар «47³, 54, 56¹, 63-моддаларида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида (сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларда сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, сув объектларига оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузишга оид қисмида, бундан ер ости сувларига доир ҳуқуқбузарликлар мустасно), 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91¹-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 91²-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг 1-бандидаги «56¹-моддасида» деган сўзлар «56¹, 63-моддаларида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида (сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларда сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, сув объектларига оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузишга оид қисмида, бундан ер ости сувларига доир ҳуқуқбузарликлар мустасно), 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91¹-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 91²-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузишга ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мансабдор шахслардан ташқари қуйидагилар ҳақли:

ушбу Кодекснинг 54, 56¹-моддаларида, 91¹-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 122, 128⁶-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмаларининг мансабдор шахслари;

ушбу Кодекснинг 47⁶, 63-моддаларида, 72-моддасида (бундан ер ости сувларига доир қисми мустасно), 79-моддасида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90, 90¹-моддаларида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91¹, 91²-моддаларида ва 101-моддасида (бундан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни

назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича тузилган баённома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда юборилади»;

2) **248¹-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида (сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, сув объектларига оқова сувларни оқишига йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузишга оид қисмида, бундан ер ости сувларига доир ҳуқуқбузарликлар мустасно), 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 91¹-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 91², 161-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188² ва 192-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Суриштирувни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда суриштирув бўлимларининг бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Давлат органлари объектларини қўриқлаш бўйича бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармалари, туман (шаҳар) қўриқлаш бўлимлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 61-моддасида, 79-моддасининг иккинчи қисмида, 90-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 90¹-моддаси-

да, 91¹-моддасининг тўртинчи қисмида, 183, 184², 184³, 185-моддаларида, 185¹-моддасида (бундан божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мустасно), 185², 185³, 186-моддаларида, 187-моддасининг иккинчи қисмида, 188¹, 188³, 189, 189¹, 191, 194¹, 195¹-моддаларида, 196-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига тааллуқли қисмида) ва 210¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ҳамда ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган органга (мансабдор шахсга) кўриб чиқиш учун юборади»;

3) **284-модданинг учинчи қисми** «шунингдек ички ишлар органлари ходимлари» деган сўзлардан кейин «ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчилари (ходимлари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **287-модданинг:**

1-бандидаги «70¹, 90, 90¹, 91, 92, 94» рақамлари «63, 70¹, 72, 79, 88, 90, 90¹, 91, 91¹, 91², 92, 94, 110, 111» рақамлари билан алмаштирилсин;

9-банди «61» рақамидан кейин «63, 72, 79, 88, 90, 90¹, 91, 91¹, 91²» рақамлари билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда) **16-моддаси биринчи қисмининг эллагинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«карантин, санитария-эпидемиология тадбирларини, экологияга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирларни ўтказишда иштирок этиши ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича чоралар кўриши».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида**»ги ЎРҚ–647-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда) **27-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши, шунингдек экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича чоралар кўриши».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 11 июль,
ЎРҚ–854-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

283 «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 22 июнда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ва рақобат муҳитини янада ривожлантиришга, истеъмолчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Шу билан бирга рақобат муҳитини ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан берилган ҳамда ўз муддатида қайтарилмаган кредит маблағларини ундириш масалаларига доир даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судларга мурожаат қилиш чоғида тегишли давлат органларини давлат божини тўлашдан озод этиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини судларга мурожаат қилиш чоғида давлат божини тўлашдан озод этиш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун тегишли давлат органларига судларга мурожаат қилиш учун ажратилган давлат божи тўловидан тежалган маблағларни тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун йўналтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисми:**

29-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъ-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 июлда эълон қилинган.

молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун бериладиган даъволар ва шикоятлар юзасидан»;

қуйидаги мазмундаги **44-банд** билан тўлдирилсин:

«44) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси — ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилганда»;

2) 9-модданинг биринчи қисми:

9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун бериладиган даъволар, аризалар ва шикоятлар бўйича»;

қуйидаги мазмундаги **28-банд** билан тўлдирилсин:

«28) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси — ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилганда»;

3) 10-модданинг биринчи қисми:

10¹-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10¹) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари — ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун бериладиган аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

қуйидаги мазмундаги **18-банд** билан тўлдирилсин:

«18) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси — ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилганда».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 13 июль,
ЎРҚ-855-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

284 Вахта усулида ишлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 465-моддасига мувофиқ, шунингдек, вахта усулида фаолият юритаётган ташкилотларда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 465-моддасида:

вахта усулида ишлаш ходимларнинг доимий яшаш жойига қунлик қайтишини таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг доимий яшаш жойидан ташқарида меҳнат жараёнини амалга оширишнинг алоҳида шакли эканлиги;

ишнинг вахта усулини қўллаш тартиби иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши;

Ишни вахта усулида ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Вахта усулида ишлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

вахта усулида ишлашни ташкил этиш ҳамда ходимларнинг меҳнат ва дам олиш режими, иш вақти ҳисобини юритиш;

вахта усулидаги ишларда банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга имтиёзлар ва компенсациялар бериш тартиби;

вахта усулида ишлашда тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уч ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 июлда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 13 июль,
287-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 13 июлдаги 287-сон қарорига
ИЛОВА

**Вахта усулида ишлашни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом ходимларнинг иш жойи уларнинг доимий яшаш жойидан ёки иш берувчининг жойлашган жойидан сезиларли даражада узоқ масофада жойлашганда, вахта усулида ишлашни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Намунавий низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

вахта усулидаги иш — ходимларнинг доимий яшаш жойига кунлик қайтишини таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда ва (ёки) иш жойи иш берувчининг жойлашган жойидан сезиларли даражада узоқ масофада жойлашганда, ишлаб чиқариш объектларини, ижтимоий ва бошқа объектларни қуриш, таъмирлаш ёки реконструкция қилиш муддатларини қисқартириш, аҳоли яшамайдиган, олис ҳудудларда ёхуд алоҳида табиий шароитларга эга бўлган ҳудудларда ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланишни таъминлаш мақсадида, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун бажариладиган ишлар;

вахта объекти — ходимларнинг доимий яшаш жойи ва иш берувчининг ташкилотлари жойлашган ҳудуддан сезиларли узоқ масофада (чўлда, тоғли ва аҳоли қатнови бўлмаган чекка ҳамда узоқ ҳудудларда) жойлашган объектлар;

вахта шахарчалари — вахта усулида ишлаётган ходимларнинг вахтадаги дам олиш вақтида ҳаёти ва фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган турар жой, маданий-маиший, санитария хоналари, шунингдек, қурилиш техникаси ва махсус техника, автотранспортга хизмат кўрсатиладиган, товар-моддий бойликлар захираси сақланадиган хўжалик бино ва иншоотлари комплекси;

иш жойи — меҳнат фаолияти амалга ошириладиган ишлаб чиқариш объектлари.

3. Вахта усулида ишлашни қўйидаги ҳолатларда қўллаш мумкин:
ўрмон хўжалиги, геология-қидирув, алоқа ва темир йўл транспорти ташкилотларида;

қурилиш-монтаж, шунингдек, реконструкция-таъмирлаш ишларини амалга ошираётган қурилиш ташкилотларида;

энергетика объектларидан фойдаланишда (эксплуатация қилишда);

нефть ва газ саноати объектларида, шу жумладан, қувур ўтказувчи, хизмат кўрсатувчи ва таъмирлаш ишларини бажарувчи ташкилотлар ҳамда қувур транспорти ташкилотларида;

рангли ва қимматбаҳо металллар, кўмир ва бошқа табиий бойликлар конларини ўзлаштиришда;

вахта усули қўлланган ташкилотлар ходимларига хизмат кўрсатаётган тиббий, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ташкилотларида;

автомобиль йўлларида қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда бошқа ташкилотларда.

4. Вахта усулида ишлаш ходимларнинг доимий яшаш жойига кунлик қайтишини таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда ва (ёки) иш берувчининг жойлашган жойидан сезиларли даражада узоқ масофада (чўл зоналари, тоғ ва тоғолди ҳудудлар ҳамда бошқа ҳудудларда) жойлашганда, ишлаб чиқариш объектларини, ижтимоий ва бошқа объектларни қуриш, таъмирлаш ёки реконструкция қилиш муддатларини қисқартириш, аҳоли яшамайдиган, олис ҳудудларда ёхуд алоҳида табиий шароитларга эга бўлган ҳудудларда ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланишни таъминлаш мақсадида, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун қўлланилади.

Агар вахта объектида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходим ҳар куни ўзининг доимий яшаш жойига қайтиш имкониятига эга бўлса, бундай ишни бажариш вахта усулида ишлаш ҳисобланмайди.

Ходимни вахта усулидаги ишларга юбориш хизмат сафарига юборилган деб ҳисобланмайди.

5. Ташкилотларда вахта усулидаги ишлар махсус иш ва дам олиш режими бўйича қоидага кўра иш вақти жамлаб ҳисобга олинган ҳолда, вахта орасидаги танаффуслар эса ходимларнинг доимий яшаш жойида ташкил қилиниши лозим.

6. Вахтанинг давомийлиги жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда белгиланади ва унинг давомийлиги бир календарь ойдан ошмаслиги керак.

Жамоа келишувларида ёки жамоа шартномасида белгиланган алоҳида ҳолларда айрим объектларда вахтанинг давомийлиги уч ойга қадар узайтирилиши мумкин.

7. Вахта усулида ишларни ташкил этиш ҳақидаги қарор касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан қабул қилинади.

8. Иш берувчи ишларни бажаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ходимларни объектга ва ундан ётоқхоналарга етказиш, вахта шаҳарчаларида

маиший шароитлар, овқатланиш ва тиббий хизматлар кўрсатилиши ташкил этилишига жавобгардир.

9. Вахта усулида ишларни ташкил этиш билан боғлиқ барча харажатлар иш берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Вахта усулида ишларни ташкил этиш

10. Вахта усулидаги ишлар объектлардаги ишлар бир маромда, узлуксиз ва комплекс равишда амалга оширилиши учун ўзгарувчан жадвалга биноан ташкил этилиши лозим.

11. Вахта усулидаги ишлар, қоида тариқасида, ишларни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий принципларига риоя қилинган, вахта ходимларининг иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқланган сменалар алмашинуви жадвалига мувофиқ, шунингдек, меҳнатни ташкил қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилиши, моддий бойликлар сақланишини таъминлаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

12. Вахта усулида ишлайдиган ходимлар таркиби ташкилот штатида рўйхатга олинган ва шартнома бўйича вақтинча жалб этиладиган, ушбу усулда бажарилиши кўзда тутилган ишларни амалга оширишни рад этувчи тиббий кўрсатмаларга эга бўлмаган ходимлар билан тўлдирилади.

13. Вахта усулида бажариладиган ишларга қуйидагилар жалб қилиниши мумкин эмас:

ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар;

ҳомиладор аёллар;

уч ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган ота-онадан бири (васий);

тиббий хулосага мувофиқ вахта усулидаги ишларни бажаришига қарши кўрсатмалар бўлган шахслар.

14. Вахта усулидаги ишларни бажариш мақсадида иш берувчи ходимлар билан келишган ҳолда, уларни ишларнинг бир участкасидан бошқасига ўтказишга ҳақли. Бунда бир иш участкасидан бошқасига ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан иш берувчи «вахта» муддати яқунлангандан сўнг ходимлар аввалги иш жойида (лавозимида) тикланиши, агар иш жойи тугатилган бўлса, ушбу иш жойига (лавозимига) тенглаштирилган ташкилотдаги бошқа иш жойига (лавозимга) ўтказилишини таъминлаши шарт. Буйруқда «Вахта усулида ишлаш учун» деган мақсад кўрсатилиши лозим.

15. Вахта усулидаги ишларни бажараётган ходимларнинг меҳнат шароитлари амалдаги меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ташкил этилиши, шунингдек, вахта объектига ёки шаҳарчасига етиб келган ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлардан ўтишлари керак.

16. Ходимлар ташкилот жойлашган жойдан ёки иш берувчи томонидан белгиланган йиғилиш пунктидан вахта объектига транспорт воситалари орқали етказилади ва қайтиб олиб келинади. Бунда ташкилотга тегишли

ёки шартнома асосида жалб этилган транспорт воситаларидан фойдаланиш мумкин.

17. Ходимлар объектда бўлган вақтда махсус ташкил этилган вахта шаҳарчалари ёки бошқа иш берувчи ҳисобидан молиялаштирилмаган турар жой биноларида, ётоқхона, меҳмонхона ва бошқа турар жойларда яшашлари лозим.

18. Ходимларнинг турар жойлари керакли жиҳозлар ва маиший техникалар билан таъминланган, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш ташкил этилган бўлиши керак.

Мазкур объектларда техник ва маиший хизматлар тегишли смена ходимлари томонидан кўрсатилади.

Ходимларнинг махсус мослаштирилмаган санитария-маиший ёки бошқа биноларга жойлаштирилиши қатъиян ман этилади.

19. Вахта шаҳарчаларини сақлаш, шаҳарчада яшаётган ходимларга маиший хизмат кўрсатиш, улар билан маданий-оммавий ишларни ташкил этиш балансида вахта шаҳарчаси бўлган ташкилот маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитасига юкланади. Ушбу ташкилотлар маъмурияти томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда, вахта шаҳарчасида барча яшовчиларга хизмат кўрсатишнинг ички тартиби тасдиқланади.

20. Вахта шаҳарчаси ҳудуд шароитларига боғлиқ равишда намунавий ёки яқка тартибдаги лойиҳа бўйича қурилиб, ушбу лойиҳада ижтимоий-маиший соҳа объектлари, электр, сув, иссиқлик таъминоти, алоқа воситалари, кириш йўллари ва учиш-қўниш полосаси (техник зарурат мавжуд бўлса), вахта ходимларини етказиб келиш усули, шунингдек, шаҳарчани қуриш ва унинг фаолиятини таъминлаш харажатларининг сметаси кўзда тутилади.

Шунингдек, лойиҳада шаҳарчада ишлаётган ва истиқомат қилаётган ходимлар овқатланиши, дам олиши ва уларнинг ишдан бўш вақтини тегишли тарзда ташкил қилиш, уларга тиббий, савдо-маиший ва маданий хизмат кўрсатиш масалалари ҳам ҳал қилинади. Вахта шаҳарчаси жойлашувини танлашда ходимларни вахта шаҳарчасидаги яшаш жойларидан иш жойигача етказиш ва қайтиб олиб кетиш вақтини қисқартириш талаби мажбурий ҳисобланади.

Вахта шаҳарчасининг лойиҳаси тегишли касаба уюшмаси ташкилотлари, санитария-эпидемиология хизмати ва ёнғин назорати органлари билан келишилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Қурилиши тугалланган вахта шаҳарчаси қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилиниши лозим.

21. Вахта усулида ишлайдиган ходимларнинг вахталараро дам олиш даврида вахта шаҳарчасида яшаши тақиқланади.

22. Иш берувчи томонидан вахта усулида ишлайдиган ходимлар транспорт, савдо-маиший хизматлар ҳамда кунига уч маҳал иссиқ овқат билан марказлашган ҳолда таъминланади ва уларнинг овқатланиши учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига жавоб берадиган шароитлар яратилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатиб бўлмайдиган иш жойларида овқат-

ланиш учун алоҳида шароитлар яратиб берилиши лозим. Ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатиб бўлмайдиган ҳолатларда, овқатланиш учун ходимлар навбат билан чиқишлари ёки технологик жараённинг хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа хавфсиз шароитлар яратилиши мумкин.

3-боб. Меҳнат ва дам олиш режими, иш вақти ҳисобини юритиш

23. Вахта усулидаги ишларни ташкил этишда, одатда бир ой, бир чорак ёки бошқа узоқ муддатли, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган давр учун жамлаб ҳисоб юритилади.

Ҳисобга олинмайдиган давр ходимнинг вахтада бўлган давридаги иш вақти, иш берувчининг жойлашган жойидан ёки тўпланиш жойидан иш бажарилмайдиган жойга бориш ва қайтиш чоғида йўлда бўлиш, мазкур календарь даврга тўғри келмайдиган дам олиш вақтини қамраб олади.

Бунда ҳисобга олинган давр учун ҳар кунги иш вақтининг максимал давомийлиги 12 соатдан ошмаслиги керак.

Иш берувчи вахта усулида ишлайдиган ҳар бир ходимнинг иш вақти ва дам олиш вақтини, ойлар ва бутун ҳисобот даври учун ўсиб борувчи яқун билан махсус ҳисобни юритиб бориши шарт.

24. Иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда, иш вақти ва дам олиш вақтини белгилаш учун жадвал ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Жадвал ходимларга вахта усулида ишлаш даври бошланишидан 2 ойдан кечиктирмаган ҳолда етказилади.

Жадвалда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

ҳисобга олиш даврининг давомийлиги;

ходимларни вахтага олиб бориш ва у ердан қайтариб олиб келиш учун зарур бўлган вақт. Иш жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш чоғида йўлда бўлиш кунлари иш вақтига киритилмайди ҳамда вахталар ўртасидаги дам олиш кунларига тўғри келиши мумкин;

ходимнинг вахтада бўлган даврида ҳар кунлик ишнинг давомийлиги;

вахтада дам олиш вақти, иш куни давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус (агар кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги 8 соатдан ошса, иккита танаффус), ишлаб чиқариш шароитларига кўра бундай танаффуснинг имкони бўлмаган ҳолларда эса, иш вақтида ходимларнинг овқатланиш вақтини белгилаш ва ташкил этиш;

ҳар кунлик (сменалар ўртасидаги) дам олиш ва унинг давомийлиги (дам олиш ва овқатланиш учун танаффусни ҳисобга олган ҳолда 12 соатдан кам бўлмаслиги керак);

вахта даврида ҳафталик дам олиш кунлари (агар ишлаб чиқариш шароитларига кўра бунинг имкони бўлса);

вахта оралиғидаги дам олиш вақти (жадвалда назарда тутилган иш вақти нормасидан ортиқ ишлаганлик учун отгул (ортиқча ишланган вақт учун олинган дам олиш кунлари) кунлари ва бу даврга тўғри келмайдиган дам олиш кунлари). Отгул кунлари (ортиқча ишланган вақт учун олинган дам олиш

кунлари) сони ходимнинг вахтада бўлган даврида жадвалга мувофиқ ортикча ишланган умумий соатлар сонини иш куни давомийлигининг белгиланган нормасига бўлиш йўли билан аниқланади.

Вахтадаги иш жадвали доирасида тўлиқ иш кунига етмайдиган иш вақтининг ортикча ишланган соатлари календарь йил мобайнида йиғилиб бориши ва тўлиқ иш кунларигача жамланиб, кейинчалик вахта оралиғидаги қўшимча дам олиш кунлари берилиши мумкин.

Ҳисобга олинган давр якунланишидан олдин ишдан бўшаган ходимлар учун ишдан бўшаш санаси уларнинг розилиги билан вахталараро дам олиш кунлари ҳисобга олинган ҳолда кўрсатилиши мумкин.

25. Ноқулай меҳнат шароитларида бажариладиган ишлар учун иш вақтининг нормаси қонунчиликда белгиланган тартибда қисқартирилган иш вақтидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ҳисобга олинган даврда ёки вахтада иш вақти тўлиқ бўлмаганда (меҳнат таътили, касаллик туфайли ишга чиқмаслик ва бошқалар), норма бўйича белгиланган иш соатларидан ишда бўлмаган кунларга тўғри келадиган календарь бўйича иш соатлари айириб ташланади.

26. Ҳисобга олиш даврида ходим учун жадвалда белгиланган иш вақти давомийлигидан ташқари ишлаш вахта усулида ишловчи шахслар учун иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади.

27. Вахта усулида ишлаётган ходимларга меҳнат таътили вахта сменаси оралиғидаги дам олиш вақтида берилиши мумкин эмас.

28. Агар вахта усулида ишловчи шахснинг йиллик меҳнат таътилининг тугаши вахталар оралиғидаги дам олиш кунларига тўғри келса, унда иш берувчи ходимнинг розилиги билан:

вахта бошлангунига қадар ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиши;

вахта бошлангунига қадар ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериши;

ходимни вахтанинг бошқа сменасига ўтказиши мумкин.

4-боб. Меҳнатга ҳақ тўлаш, имтиёзлар ва компенсациялар

29. Вахта усулида ишларни ташкил этишда ходимларга меҳнат ҳақи қуйидаги тартибда тўланади:

ишбай ходимларга — бажарилган ишлар ҳажми бўйича меҳнат шартномасида белгиланган нархларда;

вақтбай ходимларга — амалда ишлаб берилган ҳамма соатлар учун разрядлар бўйича белгиланган тариф ставкаларига мувофиқ.

30. Вахта усулида ишловчи шахслар учун вахта даврида ишларни бажариш жойларида бўлган ҳар бир календарь кун учун, шунингдек, иш берувчининг жойлашган жойидан (йиғилиш пунктдан) иш жойигача бориш ва орқага қайтиш чоғида йўлдаги ҳақиқий кунлар учун суткалик ўрнига вахта усулида ишлаганлик учун устама тўланади.

31. Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар ходимларига вахта даврида ишларни бажариш жойларида бўлган ҳар бир календарь кун учун, шунингдек, иш берувчининг жойлашган жойидан (йиғилиш пунктдан) иш

жойигача бориш ва орқага қайтиш чоғида йўлдаги ҳақиқий кунлар учун базавий ҳисоблаш миқдориغا нисбатан 0,1 коэффициент миқдорида устама тўланади.

Мазкур устама ходимларга ҳар ойда иш ҳақи билан бирга ҳисоблаб тўланади.

32. Ходимнинг умумий иш вақтини ҳисобга олган ҳолда ўртача иш ҳақи бўйича тўловни амалга оширишда, бир соат учун ўртача иш ҳақининг миқдори ҳисобланади. Бунинг учун сўнгги уч ой давомида ишлаб берилган барча соатлар учун ҳисобланган иш ҳақи ушбу соатлар сонига бўлинади.

33. Ходимларни мукофотлаш, уларга устамалар тўлаш миқдори ва тартиби жамоа шартномаси, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, иш берувчи томонидан қабул қилинган ички хужжат ёки меҳнат шартномаси билан белгиланади.

34. Агар жамоа шартномасида, ички хужжатда ёки меҳнат шартномасида юқорироқ ҳақ тўлаш белгиланмаган бўлса, вахтадаги иш жадвали доирасидаги иш вақтида ортиқча ишлаганлик муносабати билан ҳар бир дам олиш куни (вахталар оралиғидаги дам олиш куни) учун кунлик тариф ставкаси, кунлик ставка (бир кунлик иш учун маошининг бир қисми) миқдорида ҳақ тўланади.

35. Худудда иш ҳақиға худудий коэффициентлар қўлланиладиган туманларда вахта усулидаги ишларни бажараётган барча ходимларнинг (шу жумладан, вахта усулида ишлаётган жамоаларга хизмат кўрсатаётган савдо ва умумий овқатланиш, алоқа, транспорт, тиббиёт муассасалари ва бошқа ташкилотлар ходимлари) иш ҳақиға нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда туман коэффициентлари қўлланилади.

36. Ходимлар иш жойига ўз вақтида етиб келмаса, вахта усулидаги ишларни бажараётган ташкилотларнинг раҳбарлари, касаба уюшмалари қўмиталари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда, янги смена етиб келгунига қадар ходимларни жадвалда белгиланган иш вақтидан кўпроқ вақт ишлашга жалб этиши мумкин. Бундай ҳолатларда иш берувчи вахта ходимларини энг қисқа муддатларда объектга етказиб келиш бўйича барча чораларни қўллаши шарт ва ортиқча ишланган кунлар учун жамоа шартномасида кўрсатилган миқдорда ҳақ тўланади.

37. Ташкилот жойлашган жойдан ётоқхонага ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган вақтлар учун, шунингдек, ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолинган вақт учун ходимга ўтган ой учун ҳисобланган иш ҳақи асосида аниқландиган ўртача кунлик ставка миқдоридан келиб чиққан ҳолда компенсация тўланади.

5-боб. Тиббий ёрдамнинг ташкил этилиши

38. Вахта усулида ишлашда иш берувчи ходимларга тиббий хизматлар кўрсатилиши ва уларнинг тиббий кўриклардан ўтказилишини таъминлаш мақсадида ташкилот жойлашган худуддаги соғлиқни сақлаш органлари билан ходимларни даволаш-профилактика муассасасига бириктириш масаласи-

ни ҳал қилади, ходимларнинг тиббий кўрик ва текширувлардан ўз вақтида ва тартибли равишда ўтишлари учун жавобгар бўлади.

39. Балансида вахта шаҳарчалари бўлган ташкилотлар маъмурияти тиббиёт муассасалари билан биргаликда вахта шаҳарчалари жамоаларига тиббий ёрдам кўрсатилишини, шаҳарчаларни тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, дори-дармон ва тиббий ускуналар билан бутланишини ташкил қилади ва беморларнинг эвакуациясини таъминлайди.

40. Вахта усулида бажариладиган ишларга юборилаётган шахслар ишга кираётганда, иш берувчи уларнинг дастлабки тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлайди.

41. Вахта шаҳарчасига ёки объектга юборилишидан 2 — 4 кун олдин ходимлар ташкилот шифокори томонидан ёки ташкилот жойлашган ҳудуддаги даволаш-профилактика муассасасида тиббий кўриқдан ўтказилиши керак, тиббий кўриқдан ўтиш жараёни ташкилот маъмурияти томонидан назорат қилинади.

42. Ҳудудда вахта шаҳарчалари ва объектлари жойлашган соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари умумий қиймат ҳисобидан вахтада:

фельдшерлик пунктлари (ходимлар сони 50 ва ундан кўпроқ бўлганда);

тиббиёт пунктлари (ходимлар сони 500 ва ундан кўпроқ бўлганда);

врачлик пунктлари (ходимлар сони 1500 дан кўпроқ бўлганда);

ходимлар сони 50 нафаргача бўлганда — вахтага келиб-кетиш даврийлиги ташкилот маъмурияти билан келишиладиган тиббий ёрдам бригадаларини ташкил қилган ҳолда, вахтада ишловчи ходимларни тиббий ёрдам билан таъминлайди.

Тиббий ёрдам бригадаларининг объектларга қатнаши ташкилотлар томонидан таъминланади.

43. Ишга қўйилаётган ходимлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказилади.

Ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтиши билан боғлиқ харажатлар иш берувчининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоида

44. Ушбу Намунавий низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

285 «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги 73-сон «Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 26 июнь,
21-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил
26 июндаги 21-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2259, 2011 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 360-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 19 октябрдаги 114-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2259-1, 2017 йил 23 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2259-1/0304-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 24 февралдаги 6-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2259-2, 2022 йил 17 март) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.03.2022 й., 10/22/2259-2/0235-сон).

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

286 Геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3445*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 183-сон «Давлат ер ва кадастр назоратини амалга ошириш тартиби ҳамда Давлат геодезия назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2023 йил 26 июнь,
44-сон

Ш. КУДБИЕВ

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

2023 йил 6 июнь

Д. КАСИМОВ

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

2023 йил 29 май

Д. ВАХАБОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил
26 июндаги 44-сон буйруғига
ИЛОВА

Геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишни ташкил қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, умумдавлат ҳамда махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картография фаолиятига оид ишларни амалга ошириш мақсадида барпо этилган геодезия пунктларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

астрономик пунктлар — астрономик координаталари (кенглик, узунлик) ва йўналтирувчи йўналиш азимути астрономик кузатувлардан аниқланадиган геодезия пунктлари;

геодезия пунктлари — махсус марказдан, ташқи белгидан ҳамда ташқи чеккаси геодезия пунктнинг чегараси бўлган зовур ёки уюм тарзидаги ташқи кўринишдан иборат бўлган, жойда (тупроқда, бинода ёки бошқа сунъий иншоотда) ер сатҳининг нуқталарини маълум координаталар ҳамда баландликлар билан белгилаш учун мўлжалланган мосламалар ва (ёки) қурилмалар;

геодезия пунктларининг марказлари — жойнинг координаталари, баландликлари ва гравиметрия маълумотларини етказиб берувчи, жойда маҳкамланадиган нуқталарнинг барқарор ҳолатини ва узоқ муддат мобайнида сақланиб қолишини таъминлаш учун хизмат қиладиган воситалар;

геодезик зичлаштириш тармоғи пунктлари — координаталари геодезия тармоғи пунктларига боғланган ҳолда аниқланадиган, давлат геодезия тармоғининг зичлигини янада ошириш мақсадида яратиладиган геодезия пунктлари;

геодезия ва картография фаолияти субъектлари — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги (бундан буён матнда Кадастр агентлиги деб юритилади), Мудофаа вазирлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, геодезия ва картография фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган юридик шахслар, геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) сақловчи юридик ва жисмоний шахслар;

Глобал навигация сунъий йўлдош системаси (Global Navigation Satellite System (бундан буён матнда GNSS деб юритилади)) — ер устидаги,

сув ва ҳаводаги объектлар ўрнини тез ва аниқ топиш учун мўлжалланган махсус космик ва ер усти техник воситалари, дастурий таъминоти ва технологиялар мажмуаси;

гравиметрия тармоғи пункти — ер юзасида муҳандислик конструкцияси билан мустаҳкамланган, ер сатҳидаги оғирлик кучининг миқдорлари маълум бўлган геодезия пункти;

доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари тармоғи пунктлари — ўзининг юқори аниқликдаги координатларини ўлчаб топиш хусусиятига эга ҳамда GNSS ўлчов воситаларига тузатишлар юбориб турувчи қурилма ўрнатилган геодезия пунктлари;

йўлдош геодезия тармоғи пунктлари — координатлари маълум бўлган, аниқ лойиҳани бажаришда GNSS маълумотларидан фойдаланган ҳолда узлуксиз ўлчашлар олиб боришга мўлжалланган геодезия пунктлари;

картография-геодезия давлат кадастрининг геоахборот базаси (бундан буён матнда геоахборот базаси деб юритилади) — картография-геодезия давлат кадастри объектлари тўғрисидаги маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди тўғрисидаги картография-геодезия маълумотлари, бажариладиган геодезия, топография ва картография ишлари тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган ҳамда доимий янгиланган бориладиган ишончли геоахборот тизими;

махсус (тармоққа оид) геодезия тармоғи пунктлари — геодезик тармоқларнинг ер сиртида маҳкамланган, махсус техник шартлар бўйича (электростанциялар, гидроузеллар, конлар, шахталар, метрополитенлар, туннеллар, бошқа махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик йирик иншоотлар қурилишида) барпо этиладиган геодезия пунктлари;

нивелирлаш пункти (репер) — жойда ишончли маҳкамланган, баландлиги эса ҳисоблаш боши (ноли) деб қабул қилинган бошланғич геодезия пунктига нисбатан аниқланадиган геодезия пункти;

полигонометрия пункти — маълум координаталар тизимида нуқталарнинг ўзаро жойлашув ўрни (координатаси) улар ўртасидаги чизиқлар узунлигини ва горизонтал бурчакларини ўлчаш орқали аниқланадиган геодезия пункти;

триангуляция ва трилатерация пунктлари — жойда ишончли маҳкамланган муҳандислик конструкцияси кўринишидаги ташқи белгига эга бўлган, координаталари маълум координаталар тизимида учбурчаклар шаклидаги геодезик ўлчовлар асосида аниқланадиган геодезия пунктлари.

3. Геодезия пунктлари геодезия ва картография фаолияти субъектлари томонидан геодезия ва картография фаолиятига оид ишларни амалга ошириш мақсадида барпо этилади.

Геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш ишлари Кадастр агентлигининг Давлат картография-геодезия фонди (бундан буён матнда Фонд деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

4. Фонд томонидан:

янги барпо этилган геодезия пунктлари рўйхатдан ўтказилади ҳамда

мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклдаги геодезия пунктларининг реестрига (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) киритилади;

илгари рўйхатдан ўтказилган геодезия пунктлари вақт ўтиши билан уларнинг жойдаги ҳолати (сақланганлиги, кўчирилганлиги, шикаст етказилганлиги, бузилганлиги ёки йўқ қилинганлиги) ҳақидаги маълумотлар асосида Реестрдаги мазкур геодезия пунктлари ҳақидаги маълумотларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали ҳисобга олинади.

5. Қуйидаги геодезия пунктлари янгидан барпо этилганда рўйхатдан ўтказилиши ёки илгари рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳисобга олиниши лозим:

астрономик пунктлар;

геодезик зичлаштириш тармоғи пунктлари;

гравиметрия тармоғи пунктлари;

доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари тармоғи пунктлари;

йўлдош геодезия тармоғи пунктлари;

махсус (тармоққа оид) геодезия тармоғи пунктлари;

нивелирлаш пунктлари (реперлар);

полигонометрия пунктлари;

триангуляция ва трилатерация пунктлари.

6. Фонд ҳар йили 1 февралга қадар Реестрдаги маълумотлар асосида ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ геодезия пунктларининг ҳолати бўйича ҳисоботни Кадастр агентлигига тақдим этади.

2-боб. Геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш

7. Геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш ушбу Низомнинг 3-иловасида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

геодезия пунктлари координаталари ва баландликларининг нашр этилган каталоглари (рўйхатлари);

геодезия ва картографияга оид ишлар тўғрисидаги техник ҳисоботлар.

Геодезия ва картография фаолиятининг субъектлари янгидан барпо этилган геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш учун геодезия ва картографияга оид ишлар якунлангандан сўнг бир ой муддатда мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни Фондга тақдим этади.

9. Геодезия ва картография фаолиятининг субъектлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Фондга келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичида геодезия пунктлари Фонд томонидан геоахборот базасида рўйхатдан ўтказилади.

Бунда, геодезия пунктлари геоахборот базасида нуқтали, чизиқли ва юза кўринишидаги тематик қатламлар шаклида ифодаланади ҳамда мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шартли белгилар билан тасвирланади.

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Геодезия пунктларини ҳисобга олиш

10. Геодезия пунктларини ҳисобга олиш ушбу Низомнинг 5-иловасида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Геодезия ва картография фаолияти субъектлари томонидан геодезия ва картографияга оид ишларни амалга ошириш жараёнида илгари рўйхатдан ўтказилган геодезия пунктларидан фойдаланилганда, мазкур геодезия пунктларининг жойдаги ҳолати (сақланганлиги, кўчирилганлиги, шикаст етказилганлиги, бузилганлиги ёки йўқ қилинганлиги) ҳақидаги маълумотлар шакллантирилади.

12. Геодезия пунктларини ҳисобга олиш қўйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

геодезия ва картографияга оид ишлар тўғрисидаги техник ҳисоботлар;

геодезия пунктларининг сақланганлиги, кўчирилганлиги, шикаст етказилганлиги, бузилганлиги ёки йўқ қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар (материаллар), далолатномалар.

Геодезия ва картография фаолияти субъектлари геодезия ва картографияга оид ишлар якунлангандан сўнг, бир ой муддатда мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни Фондга тақдим этади.

13. Геодезия ва картография фаолиятининг субъектлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Фондга келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддатда геодезия пунктлари Реестрдаги мазкур геодезия пунктлари ҳақидаги маълумотларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали Фонд томонидан геоахборот базасида ҳисобга олинади.

Бунда, Реестрдаги геодезия пунктлари ҳақидаги маълумотларга ўзгартиришлар киритиш ушбу геодезия пунктларига тааллуқли ўзгартиришлар тарихи сақланган ҳолда амалга оширилади.

Фонд геодезия пунктларининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар асосида геоахборот базасига мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шартли белгилар орқали тегишли ўзгартиришлар киритади.

14. Геодезия пунктининг ҳолати ўзгармасдан сақланган тақдирда, Реестрга геодезия пунктининг ҳолати сақланганлиги ҳақидаги маълумот, геодезия ва картографияга оид ишларни амалга оширган субъектнинг номи ҳамда мазкур ишлар амалга оширилган вақт (кун, ой, йил), шунингдек ушбу маълумотларни Реестрга киритган масъул ходим тўғрисидаги ахборотлар (Ф.И.О) киритилади.

4-боб. Геодезия пунктларини геоахборот базасида идентификация қилиш

15. Геодезия пунктлари геоахборот базасида қўйидаги таркибий элементлар асосида идентификация қилинади:

геодезия пунктининг тури;

геодезия пунктининг номи (рақами);

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

геодезия пунктнинг аниқлик даражасига кўра синфи (разряди);

геодезия пунктнинг ҳолати;

геодезия пункти жойлашган 1:100 000 масштабли трапециянинг номенклатураси.

16. Геоахборот базасида геодезия пунктларига қуйидаги кўринишда такрорланмас идентификация рақами берилади:

A-AA-AAA:BB:DDDD:E:F:GGGG

Бунда:

A — белгиси ўрнига геодезия пункти жойлашган жойига қараб J, K ва L ҳарфли белгиларидан бири қўйилади;

AA — белгиси ўрнига геодезия пункти қайси картографик зонада жойлашганлигига қараб 40, 41, 42, 43 рақамларидан бири қўйилади;

Изоҳ: A ва AA — Гаусс-Крюгер проекцияси бўйича геодезия пункти жойлашган жойнинг 1:1 000 000 масштабли харитаси номенклатураси бўлиб, ушбу харита номенклатураси бўйича Ўзбекистон ҳудуди J, K ва L ҳарфлари билан бошланадиган ҳамда 40, 41, 42 ва 43 рақамлари билан белгиланган трапецияга тўғри келади.

AAA — белгиси ўрнига геодезия пункти жойлашган жойига қараб 001 дан 144 гача бўлган 1:100 000 масштабли хариталар номенклатурасининг тегишли рақамларидан бири қўйилади;

BB — белгиси ўрнига ушбу Низомнинг 17-бандига мувофиқ геодезия пунктнинг турини билдирувчи ҳарфли қисқартмалар белгиси қўйилади;

DDDD — белгиси ўрнига геодезия пунктнинг номини (рақамини) билдирувчи тўрт хонали рақам ва (ёки) ҳарфлар қўйилади;

E — геодезия пунктнинг аниқлик даражасига кўра синфини (разрядини) билдирувчи сон ҳисобланади ҳамда ушбу белги ўрнига аниқлик даражаси юқоридан пастга қараб 1 дан 8 гача бўлган сонлардан бири қўйилади. Бунда, 1 — биринчи синф, 2 — иккинчи синф, 3 — учинчи синф, 4 — тўртинчи синф, 5 — биринчи разряд, 6 — иккинчи разряд, 7 — топографик суратга олиш асоси ҳамда 8 — техник нивелирлашни билдиради;

F — белгиси ўрнига геодезия пунктнинг ҳолатини билдирувчи 1 дан 5 гача бўлган сонлардан бири қўйилади. Бунда 1 — янги барпо этилган, 2 — ишчи ҳолатда сақланган, 3 — кўчирилган, 4 — бузилган ва 5 — йўқ қилинган геодезия пунктини билдиради;

GGGG — белгиси ўрнига геодезия пунктнинг (реперининг) марказ турини билдирувчи тўрт хонали рақам ва (ёки) ҳарфлар қўйилади.

17. Геодезия пунктларини идентификация қилишда уларнинг турига кўра қуйидаги ҳарфли қисқартмалардан фойдаланилади:

AP — астрономик пунктлар;

GZ — геодезик зичлаштириш тармоғи пунктлари;

GR — гравиметрия тармоғи пунктлари;

GS — доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари тармоғи пунктлари;

YG — йўлдош геодезия тармоғи пунктлари;

MP — махсус (тармоққа оид) геодезия тармоғи пунктлари;
NP — нивелирлаш пунктлари (реперлар);
PP — полигонометрия пунктлари;
TR — триангуляция ва трилатерация пунктлари.

5-боб. Яқуний қоида

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

287 «Тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга қўшимча ва ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 996-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сон «Вазирлар Маҳкамасининг Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 5 июль,
24-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил
5 июлдаги 24-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 14 декабрдаги 635-сон «Тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 996, 2000 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 24-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2001 йил 4 октябрдаги 439-сон «Дорихона ва тиббиёт муассасаларида трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруғига қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 996-1, 2001 йил 13 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 19-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 3 августдаги 104-сон «Дорихона ва тиббиёт муассасаларида трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 996-2, 2017 йил 9 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 826-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

288 Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва
экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация
қоидаларига (ЎзР АҚ-91) ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-12*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон «Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон буйруғи (рўйхат рақами 1723, 2007 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
8-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 22 июндаги
8-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва
экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация
қоидаларига (ЎЗР АҚ-91) киритилаётган ўзгартиришлар**

1. I-бобда:

а) 1-параграфнинг икки юз саксон саккизинчи ва икки юз саксон тўққизинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Учувчисиз учадиган аппарат — учувчисиз парвозни амалга оширадиган ёки тўлиқ бошқа жойдан масофадан туриб бошқариладиган ёхуд дастурлаштирилган ва парвозда тўлиқ автоном бўлган ҳаво кемаси (ҳаво кемалари моделлари ва ўйинчоқ ҳаво кемалари моделлари бундан мустасно). Учувчисиз учадиган аппарат ўзида одатда яхлит тизим сифатида фойдаланиладиган учувчисиз ва масофадан бошқариладиган ҳаво кемаларини бирлаштиради.

Фуқаро авиацияси учувчисиз учадиган аппарат оператори — учувчисиз учадиган аппаратни бевосита бошқарувчи шахс.»;

б) 2-параграфнинг саксон тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«УУА — учувчисиз учадиган аппарат.».

2. XVII¹-бобнинг номидаги «учиш қурилмаларининг» деган сўзлар «учадиган аппаратларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 789¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«789¹. УУА парвозини бажариш вақтида фуқаро авиацияси учувчисиз учадиган аппарат операторида ушбу аппаратни учишга тайёрлаш ва бошқаришга оид қўлланма бўлиши шарт.».

4. 789²-банд ҳамда 789⁵-банднинг биринчи хатбошисидаги «УУҚ» деган қисқартма «УУА» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

5. 789³-банддаги «УУҚларининг» деган қисқартма «УУАларнинг» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

6. 789⁴-банддаги «УУҚни» деган қисқартма «УУАни» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

289 Бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинадиган тижорат ташкилотларини танлаш, уларнинг хизмат ҳақини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3446*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–128-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинадиган тижорат ташкилотларини танлаш, уларнинг хизмат ҳақини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2023 йил 20 июнь,
36-сон

Ш. КУДБИЕВ

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2023 йил 5 июнь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 июлда эълон қилинган.

*Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги вазири*

Б. ЗАКИРОВ

2023 йил 16 июнь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 1 июнь

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
20 июндаги 36-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга
ошириладиган қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган
объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинадиган
тижорат ташкилотларини танлаш, уларнинг хизмат ҳақини
аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетлари (бундан буён матнда бюджет тизими бюджетлари деб юритилади) маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда (бундан буён матнда қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектлар деб юритилади) назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинадиган тижорат ташкилотларини танлаш, уларнинг хизмат ҳақини аниқлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бюджетмачи ташкилот — қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини ташкил этиш вазифаси юклатилган юридик шахс;

назорат ўлчови — қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмини аниқлаш мақсадида объект фойдаланишига топширилгандан ва/ёки қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг ўтказиладиган жараён;

назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинадиган тижорат ташкилотлари — назорат ўлчовини ўтказиш учун шаҳарсозлик соҳасида сертификатланган мутахассисларни жалб қилган, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лицензияга эга бўлган ва қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш учун аккредитация қилинган, шаҳар-

созлик соҳасида камида уч йиллик тажрибага эга бўлган юридик шахслар, тижорат банклари ҳамда бошқа ваколатли органлар;

ЭЪЛОН — давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари ҳамда тартиби кўрсатилган, махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида давлат буюртмачиси томонидан жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот.

2. Қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинадиган тижорат ташкилотларини танлаш, уларнинг хизмат ҳақини аниқлаш ва тўлаш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун Инспекцияга мурожаат қилиниши мумкин.

2-боб. Назорат ўлчовини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни режалаштириш

4. Қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан Инспекциянинг келгуси йил учун харажатлар сметасида назарда тутилади.

5. Инспекция келгуси йил учун харажатлар сметасини тузишда назорат ўлчовини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар юзасидан тегишли ҳисоб-китобларни жорий молия йилининг 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

6. Келгуси йил учун назорат ўлчовини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳар йили тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилган қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектлар умумий қийматининг (марказлашган капитал қўйилмалар лимити) 0,3 фоизидан ошмаган миқдорда белгиланган маблағлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

7. Қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчови ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Инспекциянинг бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий таснифининг тегишли харажатлар моддаси орқали бир сатрда, йилнинг чораклари ва ойлари кесимида режалаштирилади.

8. Қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчови ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Инспекция учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан очиладиган алоҳида шахсий газна ҳисобварақда акс этирилади.

9. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига ўзгартириш киритилган тақдирда

жорий молия йилида қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун режалаштирилган маблағлар доирасида харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритилади.

10. Молия йили якуни бўйича фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига қайтарилади.

3-боб. Назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинадиган тижорат ташкилотларини танлаш, уларнинг хизмат ҳақини аниқлаш ва тўлаш

11. Буюртмачи ташкилот объект фойдаланишга топширилгандан ва/ёки қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг назорат ўлчови ўтказиладиган қурилиш объектлари рўйхатини ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг ўнинчи санасидан кечиктирмасдан Инспекциянинг худудий бошқармаларига тақдим этади.

12. Инспекция буюртмачи ташкилот томонидан тақдим қилинган фойдаланишга топширилгандан ва/ёки қурилиш-монтаж ишлари якунланган қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектлар рўйхатига асосан ушбу объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун тижорат ташкилотларини жалб қилиш бўйича эълон ҳар ойднинг йигирманчи санасига қадар берилади.

13. Қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун эълон бериш ва тижорат ташкилотларини танлаш Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилади.

14. Инспекция томонидан қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиши учун тижорат ташкилотларига ушбу қурилиш объекти умумий қийматининг 0,3 фоизидан ошмаган миқдордаги хизмат ҳақи харид қилиш тартиб-таомилларига мувофиқ тузилган шартнома асосида тўлаб берилади.

15. Қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун тижорат ташкилотларини аниқлаш натижалари бўйича танланган тижорат ташкилоти билан Инспекция ўртасида шартнома тузилади.

16. Назорат ўлчовини ўтказиш шартнома асосида 15 фоиз аванс маблағлари ўтказилгандан сўнг бошланади.

Қолган 85 фоиз маблағлар назорат ўлчови натижаси бўйича расмийлаштирилган далолатноманинг бир нусхаси Инспекцияга тақдим этилгандан сўнг тўлаб берилади.

4-боб. Якуний қоида

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**290** Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1747-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буёраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 15 ноябрдаги 167-сон буйруғи (рўйхат рақами 1747, 2007 йил 11 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 525-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
9-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 22 июндаги
9-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида
тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

олтинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«**Ўзавиация» агентлиги** — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;»;

еттинчи хатбошидаги «Дававианазоратга» деган сўз «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилардаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 14-банднинг ўнинчи хатбошиси ва 55-банддаги «Дававианазоратда» деган сўз «Ўзавиация» агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 19-банддаги «Дававианазорат бошлигининг» ва «Дававианазорат» деган сўзлар тегишлича «Ўзавиация» агентлиги директорининг» ва «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 24-банднинг иккинчи хатбошиси ва 69-банддаги «Дававианазорат» деган сўз «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 48-банднинг иккинчи хатбошиси, 52, 53 ва 63-бандлардаги «Дававианазорат бошлиғи» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 60-банддаги «Дававианазорат» ва «Дававианазорат бошлиғи» деган сўзлар тегишлича «Ўзавиация» агентлиги» ва «Ўзавиация» агентлиги директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 61 ва 65-бандлардаги «Дававианазоратга» деган сўз «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 1-иловининг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 5-иловининг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар тегишлича «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 6-иловининг матнидаги «Дававианазорат бошлиғи» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

291 Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган микроорганизмлар ва вируслар штаммлари, ҳайвонот ва ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда заҳарларни сақлаш, ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2232-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2011 йил 18 майдаги 81-сон буйруғи (рўйхат рақами 2232, 2011 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 240-модда) билан тасдиқланган Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган микроорганизмлар ва вируслар штаммлари, ҳайвонот ва ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда заҳарларни сақлаш, ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ВОИТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 июнь,
112-сон

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИНОЯТОВ

2023 йил 16 июнь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил
23 июндаги 112-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган
микроорганизмлар ва вируслар штаммлари, ҳайвонот ва
ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда заҳарларни сақлаш,
ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга
бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 27-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-илованинг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 4-илованинг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

292 Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3230-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПФ–6262-сон «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПҚ–5185-сон «Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг 2020 йил 25 мартдаги 70-сон буйруғи (рўйхат рақами 3230, 2020 йил 27 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.04.2020 й., 10/20/3230/0514-сон) билан тасдиқланган Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Туман «Агротилла» МЧЖ тавсиясига асосан ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари тут дарахтларининг ўта хавfli зараркунандаси (тут парвонаси)га ва касалликларига қарши курашиш тадбирларини амалга оширади.»

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ВОИТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 июнь,
113-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 июлда эълон қилинган.

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Ш. КУДБИЕВ

2023 йил 14 июнь

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси*

А. ХАИТОВ

2023 йил 17 июнь

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGINING
QARORI

293 Jinoyat sodir etishda gumon qilinib ushlab turilgan shaxslarni saqlashning sanitariya-gigiyena qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
14-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1737-3*

O‘zbekiston Respublikasining “Standartlashtirish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 25-yanvardagi PF–14-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va Ichki ishlar vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va Ichki ishlar vazirligining 2007-yil 8-oktabrdagi 12, 16-son qarori (ro‘yxat raqami 1737, 2007-yil 8-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2007-y., 45-son, 462-modda) bilan tasdiqlangan Jinoyat sodir etishda gumon qilinib ushlab turilgan shaxslarni saqlashning sanitariya-gigiyena qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Mazkur qaror ilovasining 1-bandi 2023-yilning 5-noyabridan amalga kiritiladi.

Sog‘liqni saqlash vaziri

A. INOYATOV

Toshkent sh.,
2023-yil 5-iyul,
23-son

Ichki ishlar vaziri

P. BOBOJONOV

Toshkent sh.,
2023-yil 26-iyun,
36-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 17-iyulda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Sog‘liqni saqlash vazirligining 2023-yil 5-iyuldagi
23-son va Ichki ishlar vazirligining 2023-yil
26-iyundagi 36-son qaroriga
ILOVA

**Jinoyat sodir etishda gumon qilinib ushlab turilgan shaxslarni
saqlashning sanitariya-gigiyena qoidalariga kiritilayotgan
o‘zgartirishlar**

1. 67-banddagi “davlat standartlariga” degan so‘zlar “milliy standartlarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 84-banddagi “sanitariya-epidemiologiya xizmati” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi, uning hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo‘limlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

294 Балиқчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2478-1

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги ва «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюр-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 26 июндаги 46-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2478, 2013 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 376-модда) билан тасдиқланган Балиқчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Мазкур буйруқ иловасининг 8-банди 2023 йилнинг 5 ноябридан амалга киритилади.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
49-2023/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 22 июндаги
49-2023/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

Балиқчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар балиқчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.»

4. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»

5. 34-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 82-банддаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг

худудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 126-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«126. Ташкилотларда электр қурилмаларни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ҳамда Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари ва мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.»

8. 199-банддаги «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

295 Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Фармониغا мувофиқ **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сон буйруғи (рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.10.2018 й., 10/18/3078/2073-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 27 июнь,
45-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
27 июндаги 45-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Стандарт фазначилик хизмати бўлинмалари (бундан буён матнда фазначилик бўлинмалари деб юритилади), иқтисодиёт ва молия органлари, давлат ва бошқа мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, барча бюджет ташкилотларига татбиқ этилади.».

2. 2-банднинг олтинчи хатбошиси, 214-банднинг олтинчи хатбошиси, 302-банд, 318-банднинг учинчи ва саккизинчи хатбошилари ҳамда 320-банднинг биринчи, иккинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 7-банддаги «молия органлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 35-банднинг биринчи хатбошиси ва 47-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат божхона қўмитасининг» ҳамда «Молия вазирлиги» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» ҳамда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 40-банднинг учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 46-банд, 63-банднинг биринчи, иккинчи ва олтинчи хатбошилари, 66-банднинг ўн биринчи — ўн учинчи хатбошилари, 79-банднинг иккинчи хатбошиси, 82-банднинг ўн биринчи — ўн учинчи хатбошилари, 294-банднинг биринчи, иккинчи, тўртинчи — олтинчи хатбошилари ҳамда 327-банддаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 49-банддаги «Божхона қўмитасининг» ҳамда «Молия вазирлиги» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» ҳамда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 56-банднинг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 58-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Мактабгача таълим муассасаларида» ва «мактабгача таълим муассасаларидаги» деган сўзлар тегишли равишда «Мактабгача таълим ташкилотларида» ва «мактабгача таълим ташкилотларидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 64-банднинг учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар

«Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 75-банднинг еттинчи хатбошиси, 81-банднинг биринчи хатбошиси 105-банднинг биринчи — учинчи хатбошилари ҳамда 258-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 100-бандда:

биринчи ва бешинчи хатбошилардаги «мактабгача таълим муассасаларида» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13. 103-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «ягона ижтимоий тўлов» ва «ягона ижтимоий тўловлари» деган сўзлар тегишли равишда «ижтимоий солиқ» ва «ижтимоий солиқлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 111-банднинг иккинчи хатбошиси, 282 ва 283-бандлар, 318-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «касб-ҳунар» деган сўзлар «профессионал» деган сўз билан алмаштирилсин.

15. 145 ва 298-бандлардаги «мактабгача таълим муассасалари» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16. 253-бандда:

иккинчи ва бешинчи хатбошилардаги «мактабгача таълим муассасаларида» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасидан» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 256-бандда:

биринчи хатбошидаги «ягона ижтимоий тўлов» ва «ягона ижтимоий тўловларнинг» деган сўзлар тегишли равишда «ижтимоий солиқ» ва «ижтимоий солиқларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар «Ижтимоий солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ягона ижтимоий тўловлар» ва «ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар тегишли равишда «ижтимоий солиқлар» ва «ижтимоий солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 261-банднинг биринчи хатбошисидаги «ногирон болаларни» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган болаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19. 1-иловада:

1) 102 201 — 102 206 қаторлар чиқариб ташлансин;

2) 102 301 — 102 316 қаторлар чиқариб ташлансин;

3) 102 405 қатордаги «Мактабгача таълим муассасаларида» деган сўзлар «Мактабгача таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 102 410 ва 520 430 қаторлардаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 152 200 ва 342 200 қаторлардаги «ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар «ижтимоий солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 334 000 қатордаги «Давлат божхона» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 335 000, 850 000, 995 000, 995 100 ва 995 200 қаторлардаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 510 100 — 510 900 қаторлар чиқариб ташлансин;

9) 520 110 қатордаги «Мактабгача таълим муассасаларида» деган сўзлар «Мактабгача таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 520 200 қатордаги «касб-хунар» деган сўзлар «профессионал» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) 986 000 қатордаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

20. 2-иловининг 15, 16 ва 58-позициялардаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин;

21. 3-иловада:

1) 1-позициясидаги «Молия вазирлиги Фазначилиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги 216 — 219-позициялар билан тўлдирилсин:

«

| | | | |
|------|--------------------------------|---|-----|
| 216. | Бандихон тумани бўлинмаси | 3 | 675 |
| 217. | Давлатобод тумани бўлинмаси | 3 | 681 |
| 218. | Янги Наманган тумани бўлинмаси | 3 | 682 |
| 219. | Кўкдала тумани бўлинмаси | 3 | 680 |

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

296 Эркак чўчқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофа-
за қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1970-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-
ги ва «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 18 майдаги 20/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1970, 2009 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 25-сон, 292-модда) билан тасдиқланган Эркак чўчқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мазкур буйруқ иловасининг 2-банди 2023 йилнинг 5 ноябридан амалга киритилади.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июнь,
36-2023/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирининг 2023 йил 22 июндаги
36-2023/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Эркак чўчқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза
қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар эркак чўчқаларни парвариш қилиш билан шуғулланадиган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 2-банддаги «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

4. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**297** Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2075-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 28 декабрдаги 144-сон буйруғи (рўйхат рақами 2075, 2010 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 45-модда) билан тасдиқланган Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Вазир

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 июнь,
11-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги
11-сон буйруғига
ИЛОВА

**Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон
Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчисининг маълум йўналишдаги мунтазам халқаро парвозлари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги (кейинги ўринларда «Ўзавиация» агентлиги деб юритилади) томонидан тайинлангандан сўнг амалга оширилади.».

2. 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «Дававианазоратга» деган сўз «Ўзавиация» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6, 7, 10 ва 11-бандлардаги «Дававианазорат» деган сўзлар «Ўзавиация» агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Илова матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

298 Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 18 августдаги 96-сон буйруғи (рўйхат рақами 2141, 2010 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 37-сон, 324-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) 3-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 26 июнь,
16-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**299** Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2012 йил 27 декабрдаги 14-н-сон буйруғи (рўйхат рақами 2416, 2013 йил 29 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари иловасидан «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2012 йил 27 декабрдаги 14-н-сон буйруғи билан тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазири

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 26 июнь,
17-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июлда эълон қилинган.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING
BUYRUG‘I

300 Universal telekommunikatsiya xizmatlari va telekommunikatsiya xizmatlarining ayrim turlari uchun tariflarni (narxlarni) shakllantirish va tartibga solish to‘g‘risidagi nizomning 1-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
14-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3354-1*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirining 2022-yil 19-fevraldagi 221-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3354, 2022-yil 18-mart) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 18.03.2022-y., 10/22/3354/0223-son) bilan tasdiqlangan Universal telekommunikatsiya xizmatlari va telekommunikatsiya xizmatlarining ayrim turlari uchun tariflarni (narxlarni) shakllantirish va tartibga solish to‘g‘risidagi nizomning 1-bandi yettinchi xatboshisidagi “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi” degan so‘zlar “Raqamli texnologiyalar vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Sh. ShERMATOV

Toshkent sh.,
2023-yil 4-iyul,
253-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 17-iyulda e‘lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

301 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3447*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 июнь,
41-сон

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
23 июндаги 41-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва
Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (рўйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 411-модда) билан тасдиқланган Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 5-банди иккинчи хатбошисидаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июлда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-19-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида (рўйхат рақами 2778, 2016 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 155-модда):

17-иловадаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18-иловадаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25-иловадаги «Давлат божхона қўмитасига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26-иловадаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27-иловадаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28-иловадаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29-иловадаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 16 январдаги 01-02/8-1-сон қарори (рўйхат рақами 2856, 2017 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Божхона кирим ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидаларида:

1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг (бундан буён матнда Божхона қўмитасининг деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банднинг учинчи хатбошиси ва 14²-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14³-банднинг ўнинчи хатбошисидаги «Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 18 июлдаги 01-02/12-24-сон қарори (рўйхат рақами 2904, 2017 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 755-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида автомобиль ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остида-

ги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларида:

1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (бундан буён матнда Божхона қўмитаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбошиси ва 10-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 01-02/13-70 ва 155-сон қарори (рўйхат рақами 3125, 2019 йил 21 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.01.2019 й., 10/19/3125/2519-сон) билан тасдиқланган Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомда:

муқаддимадаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом Институтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда давлат бюджети деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (бундан буён матнда Божхона қўмитаси деб юритилади) маблағлари ҳисобидан ўқиётган, уни тамомлаб мажбурий хизмат ўташ учун давлат божхона хизмати органларига, шунингдек Божхона қўмитаси томонидан бошқа давлат идораларига юборилган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.»;

2 ва 3-бандлардаги, 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «ДБҚ» деган сўз «Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ДБҚнинг» деган сўз «Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «ДБҚнинг» ва «ДБҚ» деган сўзлар тегишли равишда «Божхона қўмитасининг» ва «Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-иловадаги «Давлат божхона қўмитаси», «ДБҚ» ва «ДБҚнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси», «Божхона қўмитаси» ва «Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 01-02/12-7-сон қарори (рўйхат рақами 3154, 2019 йил 19 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2019 й., 10/19/3154/2972-сон) билан тасдиқланган Товарларни божхона кўздан ке-

чируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқ-номада:

14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат божхона кўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36-банднинг биринчи хатбошиси ва иловадаги «Давлат божхона кўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-71-сон қарори (рўйхат рақами 3220, 2020 йил 10 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.02.2020 й., 10/20/3220/0159-сон) билан тасдиқланган Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1) 1-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«божхона органи — БЮДни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш, бекор қилиш, унга ўзгартириш, қўшимча киритиш бўйича келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва тегишли ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитаси (бундан буён матнда Божхона кўмитаси деб юритилади), Божхона кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси ва божхона постлари;»;

бешинчи ва ўн тўққизинчи хатбошилардаги «ДБК» деган сўз «Божхона кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма тўртинчи ва йигирма бешинчи хатбошилардаги «ДБКнинг» деган сўз «Божхона кўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 5-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 101 ва 102-бандлардаги «ДБК» деган сўз «Божхона кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 22-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 42-банднинг биринчи хатбошисидаги «ДБКнинг» деган сўз «Божхона кўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2020 йил 23 июндаги 01-02/12-28-сон қарори (рўйхат рақами 3264, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3264/1108-сон) билан тасдиқланган Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги Конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-банди биринчи хатбошисидаги «Давлат божхона кўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 25 февралдаги 01-02/8-10-сон қарори (рўйхат рақами 3290, 2021 йил 25 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.03.2021 й.,

10/21/3290/0236-сон) билан тасдиқланган Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибида:

2-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Давлат божхона қўмитасининг (бундан буён матнда ДБҚ деб юритилади)» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг (бундан буён матнда Божхона қўмитаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-банддаги «ДБҚнинг» деган сўз «Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-банддаги «ДБҚ» деган сўз «Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 01-02/13-20-сон қарори (рўйхат рақами 3296, 2021 йил 4 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2021 й., 10/21/3296/0410-сон) билан тасдиқланган Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

11-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлар етиб келганлиги тўғрисида божхона органи томонидан товар кузатув ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (бундан буён матнда Божхона қўмитаси ЯААТ деб юритилади) тегишли белгиларини қўйиш орқали тасдиқланади.»;

27 ва 28-бандлардаги «ДБҚ» деган сўз «Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

302 Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-9*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон қарори (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда) билан тасдиқланган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2023 йил 13 июнь,
31-сон

Ш. КУДБИЕВ

Келишилди:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

2023 йил 16 май

Д. ВАХАБОВ

**Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил**

2023 йил 10 июнь

Д. КАСИМОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
13 июндаги 31-сон буйруғига
ИЛОВА

Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Қуйидагилар битта БЮДда декларацияланиши мумкин:

1) битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмасдан битта жўнатувчининг манзилдан битта олувчининг манзилига битта транспорт ҳужжати билан (бундан бир нечта темир йўл ва автотранспорт воситасида олиб ўтилаётган (олиб ўтилган) товарлар мустасно) олиб ўтилаётган (олиб ўтилган) ва бир хил божхона режимига жойлаштирилаётган товарлар;

2) темир йўл ва автотранспорт воситасида бир нечта транспорт ҳужжати билан олиб ўтилаётганда (олиб ўтилганда):

темир йўл транспортида олиб чиқилаётган товарлар бўйича — битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмаган ҳолда битта жўнатувчидан битта қабул қилувчи манзилига битта темир йўл транспортида бир вақтда жўнатиладиган ва бир хил божхона режимига жойлаштирилаётган товарлар;

темир йўл транспортида олиб кирилаётган товарлар бўйича — битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмаган ҳолда битта жўнатувчидан битта қабул қилувчи манзилига битта темир йўл транспорти таркибида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бир вақтда олиб кирилган ва бир хил божхона режимига жойлаштирилаётган товарлар;

автотранспорт воситасида олиб чиқилаётган товарлар бўйича — битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмасдан битта жўнатувчининг манзилдан битта олувчининг манзилига битта чегара божхона пости орқали олиб чиқиладиган ва бир вақтда битта божхона постига тақдим этган ҳолда бир хил божхона режимига жойлаштирилаётган бир ном, тур, маркадаги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига (бундан бўён матнда ТИФ ТН деб юритилади) асосан битта ўн рақамли код билан таснифланувчи товарлар;

автотранспорт воситасида олиб кирилган (олиб кирилаётган) товарлар бўйича — битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмасдан битта жўнатувчининг манзилдан битта олувчининг манзилига битта чегара божхона пости орқали бир кунда олиб кирилган (олиб кириладиган) ва битта божхона постига тақдим этган ҳолда бир хил божхона режимига жойлаштирилаётган бир ном, тур, маркадаги, ТИФ ТНга асосан битта ўн рақамли код билан таснифланувчи товарлар;

ТИФ ТНни талқин этишнинг 2а асосий қоидасига мувофиқ йиғилмаган ёки ажратилган товарнинг таркибий қисмлари деб ҳисобланадиган ва ТИФ ТНнинг йиғилган ёки тугалланган товарга мос келувчи позициясида таснифланадиган товарлар, агар бундай товарлар битта битимга мувофиқ ёки бундай битим тузмаган ҳолда битта жўнатувчидан битта қабул қилувчи

манзилига бир турдаги транспорт воситасида олиб кирилган ва божхона ҳудудига кириб келиш жойида айни битта божхона органига тақдим этилган бўлса. Бунда, товарлар олиб кирилиб аввал бошқа божхона режимига жойлаштирилмаган бўлса, БЮД Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 261-моддасида кўзда тутилган муддатлар доирасида тақдим этилиши лозим;

3) битта почта юк хати билан олиб ўтилаётган ёхуд божхона чегараси орқали ўтаётган жисмоний шахснинг қўл юкида ва бағажида олиб ўтилаётган товар ёки унинг бир қисми.

Агар товарлар турли божхона режимларига жойлаштирилаётган бўлса, у ҳолда тўлдириладиган БЮДлар сони божхона режимлари сонига мувофиқ бўлиши лозим.».

2. 22-бандда:

а) 14-кичик банднинг ўн саккизинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Агар товарларнинг ташувчиси ёки автотранспорт воситасининг хайдовчиси СТИР ёки ЖШШИРга эга бўлмаган норезидент бўлса, у ҳолда шахснинг СТИР ёки ЖШШИРи қайд этиладиган жойда «99999999999999» коди кўрсатилади.»;

б) 25-кичик банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон БЮДда алоҳида майдончада товар турган жойнинг юридик манзили бўйича мазкур Йўриқноманинг 15-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарлари таснифлагичига мувофиқ туман (шаҳар) коди кўрсатилади.»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 25-бандда:

а) 2-кичик банд қуйидаги мазмундаги ўн саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Товарлар содалаштирилган йўлак бўйича халқаро битимлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда декларантнинг хоҳишига кўра графанинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг юкни жўнатувчининг СТИРи кўрсатилади.»;

ўн саккизинчи хатбоши ўн тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 25-кичик банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон БЮДда алоҳида майдончада товар турган жойнинг юридик манзили бўйича мазкур Йўриқноманинг 15-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарлари таснифлагичига мувофиқ туман (шаҳар) коди кўрсатилади.»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 39-кичик банднинг ўттиз бешинчи хатбошиси «божхона қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида баённома» деган сўзлардан кейин «, хорижий мамлакатнинг экспорт божхона декларацияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 79-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«79. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимидан сўнг Ўзбекис-

тон товари (Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товар) мақомига эга бўлган қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш экспорт божхона режимига мувофиқ, бошқа ҳолларда қайта ишлаш маҳсулотларини, божхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб кирилган товар, товарнинг чиқиндилари ва қолдиқларини қайтариб олиб чиқиб кетиш реэкспорт божхона режимига мувофиқ амалга оширилади.».

5. 92-банднинг биринчи хатбошисида «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 4-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

7. 12-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Божхона юк декларациясини
тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Божхона юк декларациясини тўлдириш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
4-ИЛОВА

Божхона постлари ТАСНИФЛАГИЧИ

| Т/р | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари постларининг номи | Пост коди |
|---|--|-----------|
| Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси | | |
| 1. | «Нукус аэропорти» чегара божхона пости | 35001 |
| 2. | «Нукус» ТИФ божхона пости | 35002 |
| 3. | «Хўжайли» чегара божхона пости | 35003 |
| 4. | «Довут-ота» чегара божхона пости | 35004 |
| 5. | «Қорақалпоғистон» темир йўл чегара божхона пости | 35010 |
| 6. | «Қўнғирот» ТИФ божхона пости | 35012 |
| Андижон вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 7. | «Дўстлик» чегара божхона пости | 03002 |
| 8. | «Андижон аэропорти» чегара божхона пости | 03003 |
| 9. | «Бобур» ТИФ божхона пости | 03004 |
| 10. | «Маданият» чегара божхона пости | 03009 |
| 11. | «Андижон» ТИФ божхона пости | 03011 |
| 12. | «Савай» темир йўл чегара божхона пости | 03014 |
| 13. | «Асака» ТИФ божхона пости | 03015 |
| Бухоро вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 14. | «Бухоро аэропорти» чегара божхона пости | 06001 |

| | | |
|---|---|-------|
| 15. | «Когон» ТИФ божхона пости | 06002 |
| 16. | «Бухоро» ТИФ божхона пости | 06006 |
| 17. | «Қоровулбозор» ТИФ божхона пости | 06007 |
| 18. | «Ғиждувон» ТИФ божхона пости | 06008 |
| 19. | «Қоракўл» ТИФ божхона пости | 06009 |
| 20. | «Олот» чегара божхона пости | 06010 |
| 21. | «Хўжадавлат» темир йўл чегара божхона пости | 06011 |
| Жиззах вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 22. | «Учтўрғон» чегара божхона пости | 08003 |
| 23. | «Жиззах» ТИФ божхона пости | 08004 |
| 24. | «Қўшкент» чегара божхона пости | 08007 |
| Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 25. | «Насаф» ТИФ божхона пости | 10002 |
| 26. | «Қамаши-Ғузур» ТИФ божхона пости | 10007 |
| 27. | «Қарши-Керки» чегара божхона пости | 10008 |
| 28. | «Талимаржон» ТИФ божхона пости | 10011 |
| 29. | «Қарши аэропорти» чегара божхона пости | 10012 |
| Навобий вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 30. | «Тинчлик» ТИФ божхона пости | 12001 |
| 31. | «Навобий аэропорти» чегара божхона пости | 12002 |
| 32. | «Навобий» ТИФ божхона пости | 12003 |
| 33. | «Зарафшон» ТИФ божхона пости | 12008 |
| 34. | «Навобий индустриал» ТИФ божхона пости | 12012 |
| Наманган вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 35. | «Наманган аэропорти» чегара божхона пости | 14002 |
| 36. | «Учқўрғон» чегара божхона пости | 14003 |
| 37. | «Косонсой» чегара божхона пости | 14004 |
| 38. | «Поп» чегара божхона пости | 14005 |
| 39. | «Наманган» ТИФ божхона пости | 14010 |
| 40. | «Чуст» ТИФ божхона пости | 14014 |
| Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 41. | «Самарқанд аэропорти» чегара божхона пости | 18001 |
| 42. | «Жартепа» чегара божхона пости | 18002 |
| 43. | «Самарқанд» ТИФ божхона пости | 18005 |
| 44. | «Улуғбек» ТИФ божхона пости | 18007 |
| Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 45. | «Термиз аэропорти» чегара божхона пости | 22002 |
| 46. | «Сариосиё» чегара божхона пости | 22003 |
| 47. | «Сариосиё» темир йўл чегара божхона пости | 22004 |
| 48. | «Термиз» ТИФ божхона пости | 22005 |
| 49. | «Денов» ТИФ божхона пости | 22006 |
| 50. | «Гулбахор» чегара божхона пости | 22007 |
| 51. | «Дарё порти» ТИФ божхона пости | 22011 |
| 52. | «Жарқўрғон» ТИФ божхона пости | 22013 |
| 53. | «Болдир» темир йўл чегара божхона пости | 22015 |
| 54. | «Айритом» чегара божхона пости | 22017 |

| Сирдарё вилояти бўйича бошқармаси | | |
|--|---|-------|
| 55. | «Ховособод» чегара божхона пости | 24002 |
| 56. | «Ховос» ТИФ божхона пости | 24003 |
| 57. | «Сирдарё» чегара божхона пости | 24004 |
| 58. | «Гулистон» ТИФ божхона пости | 24009 |
| 59. | «Сайхун» ТИФ божхона пости | 24010 |
| Тошкент вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 60. | «Яллама» чегара божхона пости | 27001 |
| 61. | «Навоий» чегара божхона пости | 27008 |
| 62. | «С.Нажимов» чегара божхона пости | 27009 |
| 63. | «Ойбек» чегара божхона пости | 27011 |
| 64. | «Бекобод авто» чегара божхона пости | 27013 |
| 65. | «Чирчиқ» ТИФ божхона пости | 27014 |
| 66. | «Олмалиқ» ТИФ божхона пости | 27015 |
| 67. | «Янгийўл» ТИФ божхона пости | 27016 |
| 68. | «Назарбек» ТИФ божхона пости | 27019 |
| 69. | «Келес» ТИФ божхона пости | 27020 |
| 70. | «Фиштакўприк» чегара божхона пости | 27021 |
| 71. | «Фарход» чегара божхона пости | 27023 |
| 72. | «Бекобод» темир йўл чегара божхона пости | 27024 |
| 73. | «Ангрен» ТИФ божхона пости | 27028 |
| 74. | «Ўзбекистон» темир йўл чегара божхона пости | 27029 |
| Фарғона вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 75. | «Фарғона аэропорти» чегара божхона пости | 30001 |
| 76. | «Кўқон» ТИФ божхона пости | 30002 |
| 77. | «Кувасой» ТИФ божхона пости | 30003 |
| 78. | «Фарғона» чегара божхона пости | 30004 |
| 79. | «Андархон» чегара божхона пости | 30005 |
| 80. | «Риштон» чегара божхона пости | 30006 |
| 81. | «Ровот» чегара божхона пости | 30008 |
| 82. | «Водий» ТИФ божхона пости | 30009 |
| 83. | «Ўзбекистон» чегара божхона пости | 30010 |
| 84. | «Сўх» чегара божхона пости | 30012 |
| 85. | «Қиргули» ТИФ божхона пости | 30015 |
| 86. | «Марғилон» ТИФ божхона пости | 30017 |
| Хоразм вилояти бўйича бошқармаси | | |
| 87. | «Шовот» чегара божхона пости | 33001 |
| 88. | «Дўстлик» чегара божхона пости | 33004 |
| 89. | «Ҳазорасп ЭИЗ» ТИФ божхона пости | 33005 |
| 90. | «Урганч» ТИФ божхона пости | 33007 |
| 91. | «Урганч аэропорти» чегара божхона пости | 33011 |
| Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси | | |
| 92. | «Тошкент-товар» ТИФ божхона пости | 26002 |
| 93. | «Арк булоқ» ТИФ божхона пости | 26003 |
| 94. | «Чуқурсой» ТИФ божхона пости | 26004 |
| 95. | «Келес» темир йўл чегара божхона пости | 26009 |

| | | |
|--|---|-------|
| 96. | «Сирғали» ТИФ божхона пости | 26010 |
| 97. | «Чуқурсой техник идора» темир йўл чегара божхона пости | 26013 |
| «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси | | |
| 98. | «Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти» чегара божхона пости | 00101 |
| 99. | «Авиа юклар» ТИФ божхона пости | 00102 |
| 100. | «Бош почта» ТИФ божхона пости | 00107 |

»;

Божхона юк декларациясини
тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Божхона юк декларациясини тўлдириш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
12-ИЛОВА

**Божхона юк декларациясини тўлдиришда фойдаланиладиган
ҳужжатлар ва маълумотлар турлари
ТАСНИФЛАГИЧИ**

| Т/р | Ҳужжат номи | 44-графа тартиб рақами | Ҳужжат коди |
|-----|---|------------------------|-------------|
| 1. | Лицензия | 101 | ЛИЦЕНЗИЯ |
| 2. | Карго манифест | 201 | КРГ |
| 3. | СМР | 202 | СМР |
| 4. | Коносамент | 203 | КНСМ |
| 5. | ТИР-карнет | 204 | ТИР |
| 6. | Авиа-юк хати | 205 | АВИА |
| 7. | Почта юк хати | 206 | НКПЧТ |
| 8. | СМГС шаклидаги темир йўл юк хати | 207 | СМГС |
| 9. | Товар-транспорт юк хати | 208 | ТТН |
| 10. | Техник восита паспорти | 209 | ПТС |
| 11. | Шартнома тузувчи шахсининг инвойси (ҳисоб, ҳисоб-фактура) | 220 | ИНВ |
| 12. | Шартнома тузувчи шахсининг проформа-инвойси, ҳисоб-проформаси | 221 | ИНВПРФ |
| 13. | Ўров варағи | 222 | УПЛИСТ |
| 14. | Жўнатувчи ёки бошқа алоқадор шахсининг инвойси (ҳисоб, ҳисоб-фактура, муқобил ҳужжат) | 223 | ИНВ_ОТ |
| 15. | Контракт (шартнома, келишув) | 301 | КНТ |
| 16. | Контрактга (шартномага, келишувга) қўшимча келишув | 302 | ДОП |

| | | | |
|-----|---|-----|---------------|
| 17. | Товарларни вақтинча олиб киришда ёки вақтинчалик олиб чиқишда ижара битими | 303 | ДГАРНД |
| 18. | Ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотнома (экспортда) | 304 | СПРРС |
| 19. | Норезидент ташувчининг транспорт хизматидан фойдаланиш бўйича тузилган контракт (шартнома, келишув) | 305 | КНТ_ТР |
| 20. | Норезидент ташувчининг транспорт хизматидан фойдаланиш бўйича тузилган контракт (шартнома, келишув)нинг Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами | 306 | IDN_ТР |
| 21. | Экспертиза далолатномаси | 402 | АКТЭКСП |
| 22. | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини олиб киришга рухсатномаси | 403 | ВЗРМ |
| 23. | Ветеринария сертификати (гувоҳномаси) | 404 | ВТРС |
| 24. | Юқори частотали воситаларни олиб киришга рухсатнома | 405 | ВЧР |
| 25. | Санитария-эпидемиология хулосаси | 406 | СЭЗ |
| 26. | Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазириликнинг ёввойи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқиш учун рухсатномаси (CITES рухсатномаси бундан мустасно) | 407 | ГКЭ_РСТ |
| 27. | Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазириликнинг ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоологик коллекциялар, ўлжалар ва тулумларни олиб кириш ва олиб чиқиш учун рухсатномаси (CITES рухсатномаси бундан мустасно) | 408 | ГКЭ_ЖВТ |
| 28. | Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция I, II ва III иловаларига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари намуналарини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома (CITES) | 409 | CITES |
| 29. | Карантин рухсатномаси | 410 | КРНР |
| 30. | Олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек компонентлар, хом ашё ва материалларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган тоифага киритиш ҳақида хулоса | 411 | УЗЭКСП _ПЛ |
| 31. | Ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари сертификати | 412 | ССПН |
| 32. | Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома | 413 | ОРВ |

| | | | |
|-----|--|-----|---------|
| 33. | Юкнинг гуманитар характердалиги тасдиқномаси | 414 | ПГХ |
| 34. | Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситаларини олиб киришга рухсатномаси | 415 | ПРФ |
| 35. | Психотроп ва наркотик воситалар, прекурсорларни олиб киришга рухсатнома | 416 | ПСР |
| 36. | Мувофиқлик сертификати | 417 | ССТ |
| 37. | Сертификатлаштириш органларининг технологик ускуналар тўлик йиғилиб, созланганидан ва синовдан ўтказилганидан сўнг сертификатлаштириш ишлари амалга оширилиши тўғрисидаги хати | 418 | УЗСТ |
| 38. | Фитосанитария сертификати | 419 | ФТСС |
| 39. | Экология сертификати | 420 | ЭКО |
| 40. | Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномалар (контрактлар)нинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулоса | 421 | ЗК_ТКСТ |
| 41. | Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) мувофиқлик сертификати ёки синов баённомаси | 422 | ИЛАК |
| 42. | Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF) мувофиқлик сертификати ёки синов баённомаси | 423 | ИАФ |
| 43. | Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг аккредитациядан ўтган органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификати | 424 | ОЭСР |
| 44. | Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, реализация қилиш, олиб кириш ёки олиб чиқиш, транзит қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, қурол ва унинг ўқ-дориларини коллекциялаш, кўргазмага қўйиш учун рухсатнома | 425 | КУР |
| 45. | Ветеринария рухсатномаси | 426 | ВТРР |
| 46. | Экспорт назорати объектларини экспорт қилиш учун рухсатнома | 427 | ЭНО |
| 47. | Маданий бойликларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ёки вақтинча олиб чиқиш ҳуқуқи тўғрисидаги сертификат | 428 | МБР |
| 48. | Қурол-яроғ, ҳарбий техника ва ҳарбий мол-мулк, шунингдек ҳарбий таркибларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига рухсатнома | 429 | ХХЮ |
| 49. | Техник кўмакка тегишлилиги тўғрисида хулоса | 430 | ТКР |
| 50. | Янги махсус киритиладиган биологик актив моддаларни олиб киришга рухсатнома | 431 | БАД |
| 51. | Янги озиқ-овқат қўшимчаларини олиб киришга рухсатнома | 432 | НПП |

| | | | |
|-----|--|------|---------|
| 52. | Янги кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материаллар, полимер ва пластик массалар, парфюмерия-косметика воситаларини олиб киришга рухсатнома | 433 | ХБПП |
| 53. | Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ёпиқ турдаги божхона омборига жойлаштириш ҳуқуқига рухсатнома | 434 | НППС |
| 54. | Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома | 435 | КУРГ |
| 55. | Ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари учун рухсатнома | 436 | КИЗ |
| 56. | Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юкларни транзит равишда олиб ўтишга рухсатнома | 437 | СГТ |
| 57. | Юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатлар томонидан асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хом ашё, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситаларига берилган сертификат ва декларация | 438 | ЮСМ |
| 58. | Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат органининг йўқ қилишни амалга ошириш имконияти тўғрисидаги, уни амалга оширишнинг усули ва жойи кўрсатилган ҳулосаси | 439 | ЭХКХ |
| 59. | Карантин кўриги далолатномаси | 440 | АҚД |
| 60. | Юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома | 502 | СвИПБЮЛ |
| 61. | Контракт Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки ҳулоса | 503 | PerЦМЭП |
| 62. | Божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар | 6XX* | |
| 63. | Товарларнинг келиб чиқиш сертификати (импортда) | 701 | СПТИМ |
| 64. | Товарларнинг келиб чиқиш сертификати (экспортда) | 702 | СПТЭК |
| 65. | Фактура қиймати 5000 АҚШ долларигача бўлган товарларни келиб чиқишини товарларни кузатув ҳужжатларида тасдиқлаш | 703 | УПТ |
| 66. | Банк кафолати | 801 | БГРН |
| 67. | Сугурта полиси | 802 | СТРХПЛ |
| 68. | Кафилнинг божхона тўловлари ва фоизларнинг тўланишини таъминлаш нияти тўғрисида ёзма мажбурияти | 803 | ОБЗПРЧ |
| 69. | Экспорт БЮДси** | 804 | ЭкГТД |

| | | | |
|-----|---|-----|--------|
| 70. | Импорт БЮДси | 805 | ИмГТД |
| 71. | Кафолат хати (олиб кириладиган товар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учунлиги ҳақида) | 806 | ГрнСН |
| 72. | Гаров битими | 807 | ДЗЛГ |
| 73. | Юк ташиш бўйича битим (фақат транзит учун) | 808 | ДПР |
| 74. | Товарларни божхона омборига жойлаштирадиган шахс ва божхона омбори эгаси ўртасидаги битим | 809 | ДХР |
| 75. | Товарларни эркин омборга жойлаштирадиган шахс ва эркин омбор эгаси ўртасидаги битим | 810 | ДСВСК |
| 76. | Бошқа битимлар | 811 | ДОГ |
| 77. | Олиб кириладиган товарнинг қиймати тасдиқланган ва (ёки) тасдиқланмаганлиги ҳисоб-китобининг текшируви | 812 | ПСТ |
| 78. | Эксперт ҳулосаси | 813 | ЭКСПЗК |
| 79. | Дефект далолатномаси | 814 | ДЕФАКТ |
| 80. | Сифат сертификати | 815 | ССК |
| 81. | Товарларни божхона омбори мақомига эга бўлмаган бинолар ва (ёки) очик майдонларга жойлаштириш тўғрисида ваколатли шахснинг аризаси | 816 | ЗАЯВ74 |
| 82. | Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни топшириш далолатномаси | 817 | АКТ75 |
| 83. | Товарларни йўқ қилиш далолатномаси | 818 | АКТ76 |
| 84. | Товар ўзи томонидан ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлаш ҳақида ариза-маълумотнома | 819 | ЗАЯВСП |
| 85. | Жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш далолатномаси | 820 | АПИ |
| 86. | Божхона органининг товарларни божхона ҳудудида қайта ишлашга рухсатномаси | 834 | РА351 |
| 87. | Божхона органининг товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга рухсатномаси | 835 | РА361 |
| 88. | Божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги баённома | 850 | НТЗ |
| 89. | Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурийлиги татбиқ этилмаслигини тасдиқловчи ҳужжат*** | 851 | БССТ |
| 90. | Ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ўлчаш воситаларига икки ой давомида сертификат олиши ҳақидаги кафолат хати | 852 | ГПДС |
| 91. | Ветеринария сертификатисиз божхона расмийлаштирувини амалга оширишга асос бўлган ҳужжат*** | 854 | БВС |
| 92. | Санитария-эпидемиология ҳулосасисиз (гигиена сертификати) божхона расмийлаштирувини амалга оширишга асос бўлган ҳужжат *** | 855 | БГС |

| | | | |
|------|--|-----|-------|
| 93. | Экология сертификатисиз божхона расмийлаштирувини амалга оширишга асос бўлган хужжат *** | 856 | БЭС |
| 94. | Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг ижобий хулосаси рақами ва санаси, декларацияланаётган товарнинг хулосадаги тартиб рақами ҳамда товарнинг миқдори ва ўлчов бирлиги***** | 857 | ЗМЭП |
| 95. | Товарлар инвестиция дастури доирасида олиб кириляётганлигини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг рақами ва санаси***** | 858 | РП |
| 96. | Товарлар инвестиция дастури доирасида олиб кириляётганлигини тасдиқловчи Ҳукумат ёки вилоят ҳокимлари қарорининг рақами ва санаси***** | 859 | РПХ |
| 97. | Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш юзасидан божхона органининг қарори бўйича тақдим этилган хужжат рақами ва санаси | 860 | ПУГТК |
| 98. | Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар импорти учун буюртманома рақами ва санаси | 861 | ЗАМ |
| 99. | Товарларни таснифлаш бўйича дастлабки қарор | 862 | ДК |
| 100. | Чекланган нархлар реестрида импорт дори воситалари учун берилган тартиб рақам (ID рақами)***** | 863 | РЕФ |
| 101. | Пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини олиб чиқиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қарори | 864 | ПУК |
| 102. | Сертификатлаштириш органининг импортёр аризаси бўйича (цемент маҳсулотлари учун) қабул қилган қарори | 865 | ПСО |
| 103. | Технологик асбоб-ускунанинг ишлаб чиқарилган йилини тасдиқловчи техник паспорти ёки ишлаб чиқарувчининг хужжати | 867 | ТПОД |
| 104. | Товарларни (ишлар, хизматларни) давлат харидлари асосида импорт қилишга рухсат берилганлигини тасдиқловчи хужжат | 868 | ДХИР |
| 105. | Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш бўйича дастлабки қарор | 869 | ПРТП |

| | | | |
|------|---|-----|--------|
| 106. | Декларантнинг товарларни кўздан кечируви бўйича электрон мурожаатномасининг божхона органларидаги рўйхат рақами | 870 | ЗОСМ |
| 107. | Маҳсулотларнинг карантин назорати остидаги маҳсулотлар рўйхатига кирмаслиги бўйича карантин хизматининг электрон тасдиғининг рақами*** | 871 | КХЭТ |
| 108. | Дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат рақами ва унинг амал қилиш муддати | 872 | ДИПК |
| 109. | Бошқа ҳужжатлар | 899 | ДРГДОК |
| 110. | Божхона кўриги далолатномаси | 901 | АТД |
| 111. | Божхона қўмитаси ҳудудий бошқармасининг божхона қийматини аниқлашнинг 1-усулини қўллаш бўйича хулосаси | 902 | ЗІМ |
| 112. | Божхона қўмитаси ҳудудий бошқармасининг товарларни бозор нархлари бўйича хулосаси | 903 | ЗРЦ |
| 113. | Божхона қийматини аниқлаш усули | 904 | МЕТОД |
| 114. | Товарларнинг вақтинчалик сақлаш ва божхона омбори режимлари остида сақланиш сабаблари | 905 | ПХС |
| 115. | Баҳоланаётган товарни етказиб берилишига алоқадор бўлган учинчи шахслар билан контрактлар | 906 | КНТП |
| 116. | Баҳоланаётган товар Ўзбекистон Республикасига реэкспорт қилинаётган ҳолларда, эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштирилган божхона декларацияси | 907 | ГТДО |

* «ХХ» — Божхона тўловлари турлари таснифлагичига мувофиқ божхона тўлови турининг икки рақамли коди.

** Хорижий мамлакатларнинг экспорт божхона декларацияси БЮДнинг формат ва тузилишида қайд этилган форматда белгиланган тартибда кўрсатилиши шарт, бундан БЮДнинг формат ва тузилишида қайд этилмаган хорижий мамлакатларнинг экспорт божхона декларацияси мустасно.

*** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда божхона органига тақдим этилиши белгиланган ҳужжатларнинг олиниши талаб этилмаслиги белгиланган ҳолатларда тўлдирилади.

**** товарнинг миқдорини кўрсатишда хулосадаги товарнинг БЮД билан расмийлаштирилаётган миқдори, ўлчов бирлигини кўрсатишда хулосада кўрсатилган ўлчов бирлиги қайд этилади. Ўлчов бирлиги хулосада қайд этилгандек кўрсатилиши лозим.

Масалан: «кг»; «шт»; «м²» ва бошқалар.

***** Товарлар мазкур Йўриқноманинг 25-бандининг 26-кичик банди йигирма учинчи — йигирма бешинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган инвестиция лойиҳалари доирасида олиб кирилаётганда тўлдирилади.

***** Товарлар мазкур Йўриқноманинг 25-бандининг 26-кичик банди йигирма олтинчи — йигирма саккизинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган инвестиция лойиҳалари доирасида олиб кирилаётганда тўлдирилади.

***** Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3242, 2020 йил 10 июнь) асосида жорий этилган чекланган нархлар реестрида декларацияланаётган дори воситаси учун берилган тартиб рақам (ID рақами) кўрсатилади.».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 26 июндаги 21-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийет экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259-3.

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 26 июндаги 44-сон «Геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3445.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 5 июлдаги 24-сон «Тиббийет муассасалари ва дорихоналарда трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга қўшимча ва ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 996-3.

4. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 22 июндаги 8-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудда фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-12.

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 20 июндаги 36-сон «Бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун жалб қилинадиган тижорат ташкилотларини танлаш, уларнинг хизмат ҳақини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3446.

6. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 22 июндаги

9-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1747-2.

7. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 23 июндаги 112-сон «Ветеринария тадбирлари учун қўлланиладиган микроорганизмлар ва вируслар штаммлари, ҳайвонот ва ўсимликларга мансуб токсинлар ҳамда захарларни сақлаш, ишлатиш, шунингдек бир ташкилотдан бошқа ташкилотларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2232-2.

8. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 23 июндаги 113-сон «Тутзорларни оилавий пудрат асосида аҳолига ажратиб бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 13 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3230-1.

9. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2023-yil 5-iyuldagi 23-son va Ichki ishlar vazirligining 2023-yil 26-iyundagi 36-son “Jinoyat sodir etishda gumon qilinib ushlab turilgan shaxslarni saqlashning sanitariya-gigiyena qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2023-yil 14-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1737-3.

10. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 49-2023/Б-сон «Балиқчилик ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2478-1.

11. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 27 июндаги 45-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-3.

12. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 22 июндаги 36-2023/Б-сон «Эркак чўчкаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1970-1.

13. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 23 июндаги 11-сон «Мунтазам халқаро парвозларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташувчиларини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2075-1.

14. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 26 июнда-

ги 16-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-4.

15. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2023 йил 26 июндаги 17-сон «Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416-3.

16. O'zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 4-iyuldagi 253-mh-son "Universal telekommunikatsiya xizmatlari va telekommunikatsiya xizmatlarining ayrim turlari uchun tariflarni (narxlarni) shakllantirish va tartibga solish to'g'risidagi nizomning 1-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i.

2023-yil 14-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3354-1.

17. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 23 июндаги 41-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3447.

18. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 13 июндаги 31-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-9.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2259, 2011 йил 28 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2259-1, 2017 йил 23 ноябрь), (рўйхат рақами 2259-2, 2022 йил 17 март).

2023 йил 10 июлда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 14 декабрдаги 635-сон «Тиббийёт муассасалари ва дорихоналарда трамадол дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 996, 2000 йил 29 декабрь), шунингдек унга қўшимча ва ўзгартиришлар (рўйхат рақами 996-1, 2001 йил 13 октябрь), (рўйхат рақами 996-2, 2017 йил 9 август).

2023 йил 11 июлда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.